

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакесва Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Сайнова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

23. Berdiyev A.A. BUXORO AMIRLIGINING XVIII- XIX ASRLARDA TASHQI SAVDOSI VA DIPLOMATIK ALOQALARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR.....	198
24. Ботиров Э. МУҒУЛЛАРДАН ТЕМУРИЙЛАРГАЧА: БОЖХОНА ВА БОЖ СОЛИҚЛАРИ ТАРИХИДАН.....	208
25. Валихонова Г. К. РУС САЙЁҲЛАРИ ВА ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА МУНОСАБАТЛАРИ.....	214
26. Ганиева Ч.Х. МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДА МАДАНИЙ-ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	220
27. Давлатова Ш. АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИ ҲАҚИДАГИ МАНБА.....	227
28. Ёдгоров З.Ш. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ.....	233
29. Жахонов Т. ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ КУШОНЛАР ШАҲАРСОЗЛИГИНИ ЎРГАНИЛИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (XX аср 70-йилларига қадар).....	239
30. Жўраев А. ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	244
31. Zupunova G. ONALIK MAROSIMI: TOSHKENT TATARLARINING QARASHLARI VA E'TIQODLARI.....	249
32. Инатов М.Н. XX АСР 20-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	261
33. Кариева Н.А. РОССИЯ ИМПЕРАТОРЛИГИ ЖАМИЯТИ АЪЗОСИ Н.А.СЕВЕРЦОВНИНГ ТУРКИСТОН ҲУДУДИДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	269

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 34.Канимкулов О.Ш.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ҲАМДА АРХЕОЛОГИЯ
ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯҲЁ ФУЛОМОВ ХИЗМАТЛАРИ.....278
- 35.Камолов Ж.М.**
ЭФТАЛИТЛАР ДАВРИ ШАҲАРСОЗЛИГИ.....286
- 36.Курязова Д.**
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИ
МУЗЕЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАЛАРИ...292
- 37.Қурбонов Ф.Н., Шоев И.Х.**
БУХОРО ДАВЛАТ МУЗЕЙ - КЎРИҚХОНАСИ ЖАМЛАНМАСИДАГИ
ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДАВРГА ОИД ТАНГАЛАР ВА ТАНГА
ХАЗИНАЛАРИ (НУМИЗМАТИК ТАҲЛИЛ).....299
- 38.Исматова Н.К.**
ЯНГИЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ЎРТА
ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР (1989-2020 йиллар).....307
- 39.Исматуллаев Ф.О.**
ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ЎРТАСИДАГИ
ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....319
- 40.Кадирова М.Т.**
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР
ИМПЕРИЯСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.....329
- 41.Каромов Ф.Ҳ.**
ТУРКИСТОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.....334
- 42.Мажидов Ш.Ф.**
МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ЭТНОСИЁСИЙ
ЖИҲАТЛАРИ: ЕИ ТАЖРИБАСИ (2000-ЙИЛЛАР БОШИ).....340
- 43.Мамадаминова Б.**
ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ
ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....345
- 44.Mattiyev O'.B.**
TURKISTONDAGI AFG'ON MUHOJIRLARI FAOLIYATINING
GENERAL GUBERNATORLIK DAVRI HUJJATLARIDA YORITILISHI.....353

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Мамадаминова Бахтигул,
катта ўқитувчи,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш мухандислари институти,
baxtigul835gmail.com

ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

*For citation: Mamadaminova Bakhtigul. KHOREZM NATIONAL SOVIET
REPUBLIC'S GOVERNMENT POLICY ON SOCIAL ISSUES. Look to the past. 2020,
SI, pp. 345-352*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-43>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Хоразм Халқ Совет Республикаси ҳукуматидаги соғлиқни сақлаш ва хотин-қизлар масаласида олиб борган сиёсати ҳамда маданият муассасалари аҳволи кўрсатиб ўтилган. Мақола XX аср 20-йилларидаги архив ҳужжатлари ҳамда даврий матбуот материаллари

Калит сўзлар: Хоразм Халқ Совет Республикаси, Соғлиқни сақлаш нозирлиги, хотин-қизлар коллегияси, театр.

Мамадаминова Бахтигул,
старший преподаватель,
Ташкентского института инженеров
ирригации и механизации сельского хозяйства,
baxtigul835gmail.com

СОЦИАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПРАВИТЕЛЬСТВА ХОРЕЗМСКОЙ НАРОДНОЙ СОВЕТСКОЙ РЕСПУБЛИКИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье показаны политика Хорезмского Народного Совета Республики (ХНСР) в отношении здравоохранения, и по вопросам женщин-девушек, а также

рассмотрены вопросы культуры. Статья подготовлена на основе архивных документов и периодических изданий, этим представляет важное значения.

Ключевые слова: Хорезмская Народная Советская Республика, Министерство Здравоохранения, Женские коллежи, театр.

Mamadaminova Bakhtigul,
Senior Lecturer, Department of Humanities,
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural
Mechanization Engineers
baxtigul835gmail.com

KHOREZM NATIONAL SOVIET REPUBLIC'S GOVERNMENT POLICY ON SOCIAL ISSUES

ABSTRACT

This article highlights the policies and policies of the Khorezm National Soviet Government on health and women and the status of cultural institutions. The article is important because it is based on archival documents of the 20th century and periodicals.

Index Terms: Khorezm National Soviet Republic, Ministry of Health, Women's Collegiate, theater.

Долзарблиги. XX аср бошларида минтақада юз берган муҳим ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, ўзбек халқининг совет ҳокимияти йилларидаги ҳаёти, Хивада хонлик тузумининг афдарилиш жараёни, Хоразм Халқ Совет Республикасининг ташкил топиши ва тараққиёти ҳамда маориф соҳасидан ташқари янги ташкил қилинган республикада соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар масаласи шунингдек, маданият муассасалари очиш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Ҳукумат соғлиқни сақлаш ва халқ саломатлигини яхшилаш, тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш борасида сезиларли ишлар амалга оширган. ХХСР раҳбарияти хотин-қизлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Хоразмда аёлларни ижтимоий ҳаётга тортиш, уларнинг саводини чиқариш ва ўқитиш, турли лавозимларга кўтариш мураккаб вазиятда олиб борилган.

Маданий-оқартув соҳасида ҳам бир қанча ишларни амалга ошириб, Хоразм тарихида илк марта халқ музейи ва халқ театри ўз фаолиятини бошлаган Шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолатда 1920 - 1924 йилларда мавжуд бўлган Хоразм Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий муносабатлар мавзусини холис ёритиш муҳим аҳамият касб этади ҳамда муаммонинг нечоғли долзарблигини англатади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихийлик, тизимлилик, холислик тамойиллари ҳамда муаммога цивилизацион ёндашув, қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилган. Қадимги Хоразм воҳаси ўзбек халқи ва давлатчилиги шаклланган тарихий ҳудудлардан бири сифатида жаҳон тарихчи олимларининг доимий равишда диққат марказида бўлиб келган. Хусусан, XX аср 20-йилларида бу ерда қисқа муддат давомида мавжуд бўлган Хоразм Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий масалалар жиҳатига эътибор қаратилган. Хоразм Халқ Совет Республикаси ҳукумати республикада соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар масаласи ҳамда маданият муассасалари очиш ишларига ҳам алоҳида эътибор берган. 1920 йил апрелда

бўлиб ўтган Бутунхоразм халқ вакиллари I қурултойида ХХСР Соғлиқни сақлаш халқ нозирлари қилиб Шомурод Бахши тайинланди. Унинг миллати туркман бўлиб, йирик ер эгаси ҳисобланган[1].

Соғлиқни сақлаш нозирлиги ХХСРда ташкил қилинган дастлабки 10 та нозирликдан бири бўлган. ХХСРга 1920 йилдан бошлаб РСФСР ва Туркистон АССРдан тиббий дори-дармонлар, асбоб-ускуналар ва тиббий ходимлар юбориб турилди. 1920 йил июлда Тошкентдан Хоразмга 3 нафар врач, 8 нафар фельдшер ва 1 нафар акушерка юборилиб, улар ўзлари билан биргаликда касалхона ва тиш кабинетини жиҳозлаш учун турли асбоб-ускуналар келтирди[2]. ХХСРда соғлиқни сақлаш соҳаси ниҳоятда оғир аҳволда бўлиб, соҳа фаолияти етарли даражада йўлга қўйилмаган эди. Ҳатто Соғлиқни сақлаш нозирларини тез-тез ўзгартириб турилиши, кейинчалик мазкур алоҳида нозирликни тугатиб, соғлиқни сақлаш соҳаси бошқа нозирликлар тасарруфига ўтиб кетиши аҳволни ниҳоятда қийинлаштирди. Қизил аскарлар учун махсус ташкил этилган ҳарбий госпиталда эса аҳвол анча яхши бўлган. Архив ҳужжатларида келтирилишича, бу госпиталда тажрибали ва малакали тиббиёт кадрлари фаолият кўрсатган. Хива шаҳридан ташқари Янги Урганч шаҳрида 25 ўринли касалхона бўлиб, бу ерда беморларни врач ўрнида доришунос мутахассис даволаган. Фельдшерлик пунктларида ишлаётган кўплаб тиббиёт ходимлари ўз вазифаларидан олиниб, ҳарбий госпитал ихтиёрига юборилган[3].

Хоразмда Амударёдан чиқарилган йирик анҳор ва ариқлар (маҳаллий аҳоли уларни одатда "ёп" деб номлаган) атрофларида кичик-кичик кўл ва ботқоқликлар ҳосил бўлган. Дарё атрофида тўқайзор ва қамишзорлар кўп бўлган. Бу жойларда турли касалликлар ва микробларни, айниқса, безгак касалини тарқатувчи турли ҳашаротлар (пашша, чивин, искабтопар ва б.) гуж-гуж тўпланган. Янги ташкил қилинган республика раҳбарияти олдида ушбу соғлом турмуш тарзи ва санитария-профилактика ишларини олиб бориш муҳим вазифа ҳисобланган. Хоразм Халқ Совет Республикаси ҳукумати мамлакатда соғлиқни сақлаш ишларини яхшилаш мақсадида бу ерга юборилган совет мутахассислари ёрдамида профилактика ишларини амалга оширди, республика туманларида амбулатория ва поликлиникалар очилди, безгак манбаларини тугатиш учун санитария ҳафталари ўтказиладиган бўлди.

1922 йилнинг охирига келиб Хоразмда Хива касалхонасидан ташқари яна 4 та амбулатория-фельдшерлик пункти ва марказий дорихона ишга тушди. Илгари фақат табиблар фаолият кўрсатган республика ҳудудида медицина ходимлари 74 нафар кишига етди. Совет даври тарихий адабиётларида қайд этилишича, медицина ходимлари орасида безгак мутахассислари, кўз докторлари, болалар врачлари, юқумли касалликларни даволовчи мутахассислар, гинекологлар ва бошқа мутахассис врачлар бўлган. Медицина муассасалари ҳали очилмаган районларга яқинроқдаги врачлик-фельдшерлик пунктлари мутахассислари келиб хизмат кўрсатар эди. Республиканинг даволаш муассасалари ҳар куни ўртача ҳисобда 500 кишини даволарди, натижада ўлиш анча камайди[4].

Хоразм Халқ Совет Республикаси тиббий хизматини йўлга қўйишда 1923 йилда Тошкентдан таниқли эпидемиолог И. Минкевич раҳбарлигида юборилган бир гуруҳ тиббий ходимларнинг хизмати катта бўлди[5]. Улар аҳоли орасида турли юқумли ва ижтимоий касалликларнинг тарқалиши сабабларини, Амударё ўзанидаги ботқоқликлар ва суғориш иншоотларидаги безгак тарқатувчи чивинлар тўпланишини, деҳқонлар ва уларнинг овқатланиш даражасини атрофлича

ўргандилар[6].

Хоразмда республика ҳукумати аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш юзасидан муайян тадбирларни олиб бориб, тизим тармоғини кенгайтиришга ҳаракат қилди. 1924 йил бошларида Хоразмда 3 та касалхона, тиш даволаш амбулаторияси, безгакка қарши эмлаш станцияси, 4 та дорихона ҳамда 11 та амбулатория-фельдшерлик пунктлари ишлаб турди. Тиббий хизматчилар сони 74 нафарга етди[7].

3. Тадқиқот натижалари:

ХХСРда соғлиқни сақлаш ва халқ саломатлигини яхшилаш, тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш борасида сезиларли ишлар қилинди. 1923 йил 13 ноябрда ХССР МИК Президиумининг ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши кураш тўғрисида махсус қарори чиқиб, республика ҳудудида ҳар қандай спиртли ичимликларни тайёрлаш ва сотиш, уларни олиб кириш таъқиқланди. Шунингдек, афюн (опиун) ва кўкнори сотиш ва истеъмол қилиш ҳам таъқиқланди[8].

ХХСР раҳбарияти хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратди. 1920 йил 10 июлда бўлган ҳукумат мажлисида бу масала илк марта кўриб чиқилди[9]. 1921 йил 5 июлда Хоразм Компартияси Муваққат Марказий бюроси қошида хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлими ташкил қилинди[10].

Асрлар давомида бутун мусулмон дунёсида бўлгани сингари Хоразм ва Бухорода ҳам қизлар жуда эрта, ҳатто 9 - 10 ёшида эрга берилган. Улар 11 - 12 ёшларида фарзанд кўришган. Бу ҳолат ёш қизлар ва бўлажак оналарнинг руҳияти ва организмига салбий таъсир қилган. Бунинг устига кўпхотинли бўлишга шариат имкон берган. ХХСР ҳукумати оилавий ҳаёт ва мусулмонча никоҳдаги бундай салбий иллатларга қарши имконият даражасида кураш олиб борган.

Тошкентда чоп этиладиган "Известия ТуркЦИК" газетасида 1921 йил 11 июнда ёзилишича, Хоразм Халқ Нозирлар Шўроси махсус қонун қабул қилиб, унда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаб қўйган. Бу қонунда 8 - 10 ёшли қизларни мажбурий равишда эрга бериш каби эски одатларга барҳам берилди. Қонунга кўра, қизлар 16 ёшида, йигитлар 17 ёшида никоҳдан ўтиши мумкин бўлган[11].

1921 йил 3 июлда ХХСР Нозирлар Шўроси никоҳ қоидалари ва уларни тартибга солиш тўғрисида махсус буйруқ чиқариб, юқоридаги қонунни ҳаётга татбиқ этган. Бу буйруққа Нозирлар Шўроси раиси Ибниязминов ҳамда Адлия нозири Махмуд Рахимов ва масъул котиб Содиқов имзо чеккан бўлиб, унда буйруқ 2 июнь куни Нозирлар Шўроси томонидан тасдиқланганлиги айтилади. Мазкур буйруқ 4 та моддадан иборат бўлиб, унда ўзаро никоҳланган эр-хотинлар (эр - 17; хотин - 16 ёшга тўлган бўлиши мажбурий бўлиб) мазкур қонунни бузмасликлари керак бўлган. Мабодо бу қонунда бузилса, айбдорлар трибунал орқали 5 йил муддатга қамоқхона жазосига ҳукм қилинганлар. Мабодо эр ўз аёлини озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлай олмаса ёки хотинини дўппослаб турса унинг рафиқаси шариат орқали никоҳни бекор қилиши мумкин бўлган. Хотин ўз эри ҳақида нотўғри маълумот бериб, тухмат қилса ва ёлғон гапирса у қонунга биноан ўз эри хонадонига қайтарилган. Хотин (рафиқа) суд қарорига бўйсунмаса, у тегишли даражада жазоланган[12].

Хоразмда аёлларни ижтимоий ҳаётга тортиш, уларнинг саводини чиқариш ва ўқитиш, турли лавозимларга кўтариш мураккаб вазиятда олиб борилган. Бунинг устига Марказ (Москва ва Тошкент)дан юборилган кўплаб большевик хотин-қизлари (улар асосан руслар ва татарлар эди) маҳаллий ўзбек, туркман, қорақалпоқ,

қозоқ аёлларини "тезроқ озодликка чиқариш ва янги ҳаётга кўникириш учун" кўпинча нотўғри усул ва воситалардан ҳам фойдаланганлар.

1924 йил 6 апрелда Хоразм Компартияси Марказий Комитетининг хотин-қизлар бўлими инструктори Копилова томонидан РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ҳузуридаги хотин-қизлар бўлими мудир С.Т. Любимова номига йўлланган ёзма маърузада кўрсатилишича, Хоразмда хотин-қизлар коллегияси 1923 йил 12 сентябрда ташкил топган. Унинг таркибига 3 нафар маҳаллий ўзбек аёли, шунингдек, Марказий Комитет ташкилий бўлими ҳамда комсомолнинг вакиллари бўлган бир нафардан европалик аёл ва татар аёли киритилган. Хотин-қизлар коллегияси Хоразмдаги иш фаолияти даврида энг аввал Хива шаҳридаги барча ташкилотларда ишлаётган аёллар ва қизлар рўйхатини тузади. Улар кўплаб мажлислар ўтказиб, хотин-қизларни турли шанбалик ва бошқа ишларга жалб қилишади. Копилова ўз маърузасида Ўрта Осиё бюросидан ва унинг раиси Карклиндан Хоразмга кўпроқ аёлларни ишга юборишни сўрайди[13].

ХХСР даврида Хоразм тарихида кўплаб маданият муассасалари биринчи марта ташкил қилинди. Бундай муассасаларга музей, театр, кутубхона, маданият уйлари, қизил клублар ва чойхоналар кирган. Хоразмда матбуот иши йўлга қўйилди, киноматографияга асос солинди. Булардан ташқари турли маданий-оқартув муассасалари ҳам ташкил қилинди. 1920 йил 11 апрелда бўлган Хоразм муваққат ҳукумати мажлисида Хива шаҳрида музей ташкил қилиш масаласи илк марта кўтарилди. Маориф халқ нозирлиги зиммасига Хивадаги хон саройи ва қароргоҳларидан бирида тез орада халқ музейини ташкил қилиш ва очиш вазифаси юклатилди[14].

Бутун Хоразм халқ вакиллари I қурултойи делегатлари иштирокида 1920 йил 27 апрелда Хива шаҳрида халқ музейи тантанали равишда очилди. Музей собиқ хоннинг саройида жойлаштирилди. Кейинчалик музей ихтиёрига Тошҳовлидаги махсус қароргоҳ (катта бино) ҳам берилди[15]. Халқ музейи очилган кундан бошлаб унга кўплаб одамлар кела бошлашди. Совет ҳокимияти музейдаги экспонатлар орқали меҳнаткаш оммани коммунистик руҳда тарбиялаш учун тарғибот ва ташвиқотни авж олдирди. Кейинчалик Хива музейига Тошкент ва Москвадан ҳам шундай кўплаб экспонатлар намоиш қилиш учун жўнатилди. Бироқ музей ходимлари маоши ҳамда уни жиҳозлашга жуда кам маблағ ажратилди. Масалан, 1923 - 1924 бюджет хўжалик йилида музейга фақат 1146 рубль 75 тийин, шундан экспонатлар сотиб олиш учун 545 рубль ажратилди[16]. Бундай жуда оз миқдордаги маблағ музей ва унинг ходимлари таъминоти учун етарли бўлмаган.

1920 йилгача Хоразмда театр ҳам йўқ эди. 1921 йили Хивада маҳаллий ҳаваскорларнинг 2 та труппаси (мусулмон ва рус труппалари) ўз фаолиятини бошлади. 1921 йил августда рус ва мусулмон театр труппалари томошабинларга 6 та турли спектакль ва 3 марта концерт намоиш этишди. Бу намоишлар Хоразм аҳолиси томонидан илиқ кутиб олинди. Хоразмга таниқли ўзбек шоири ва драматурги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 1921 йил ноябрда махсус юборилиши республика маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ҳамза билан биргаликда маҳаллий санъаткорлар Шерозий (Мадраҳим Якубов), Сафо Муганний, Машарип Пөлвонов, Самандар Сарайманов ва бошқалар Хоразмда театрни йўлга қўйиш ва маҳаллий истеъдодларни тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшдилар[17].

Хива шаҳрида дастлабки халқ театри 1922 йил 25 февралда очилди[18]. Унда ўзбек (мусулмон) ва рус секциялари мавжуд бўлган. Театр ўзига 350 томошабинни сиғдирадиган махсус катта бинога жойлаштирилди. Бошқа бир манбада ёзилишича,

театр биноси 4 ой ичида қурилган бўлиб, унга 1000 нафар томошабин сигган. Театр очилишига 2000 киши қатнашиб, у "Шарқнинг тирилиши" номли махсус дoston (томоша) билан очилган[19]. Хоразмда театр соҳасини йўлга қўйишда катта ишларни амалга оширган Ҳамза "Хива инқилоби", "Фарғона фожиаси", "Ким тўғри?", "Тухматчилар жазоси" каби ўзи ёзган пьесаларни бу ерда сахналаштирди. Баъзи ҳолларда унинг ўзи спектаклларда асосий ролларни ўйнади. Бундан ташқари Ҳамза Хўжайли ҳамда Туркистон АССРнинг Амударё областида ҳам театр труппаларини ташкил қилди. Хусусан, у Хўжайлида самарали фаолият кўрсатди. Бу ерда Ҳамзанинг машҳур "Бой ила хизматчи" пьесаси илк марта қўйилди[20]. 1923 йилда Тошовуз шаҳрида ҳам театр очилди. Архив ҳужжатларида келтирилишича, 1923 йил 1 майга келганда республикада 3 та театр фаолият кўрсатган. Бироқ худди музейга бўлгани сингари театрға ҳам маблағ жуда оз ажратилган. 1923 - 1924 хўжалик йилида театр бюджети атиги 5205 рублни ташкил этган, холос[21].

Хоразмда дастлабки кутубхона 1920 йилда хоннинг собиқ саройи Нуруллабойда очилди. Бу кутубхона асосан Хоразмда турган қизил армия қисмлари жангчилари ҳамда партия-совет фаолларига хизмат қилишга мўлжалланган эди. Кутубхонадан кейинчалик маҳаллий аҳоли, асосан, ёшлар ҳам кенг фойдалана бошлади. 1921 йилдан кутубхона гарнизон клуби ихтиёрига ўтиб, у ҳарбий қисм томонидан таъминланадиган бўлди.

1922 - 1923 хўжалик йилида гарнизон клуби Маориф нозирлиги ҳузуридаги Бош сиёсий оқартув ташкилоти (Главполитпросвет) ихтиёрига ўтказилиб, бу ерда халқ клуби ва оммавий марказий кутубхона ташкил қилинди. Хива шаҳридаги барча ташкилотларнинг кичик кутубхоналари ушбу марказий кутубхонага бирлаштирилди.

1923 йилда ХХСРда учта оммавий мустақил кутубхона Хива, Янги Урганч ва Қўнғирот шаҳарларида фаолият кўрсатди. 1923 - 1924 хўжалик йилида бюджетдан кутубхоналар учун 6102 рубль (бу маблағнинг 3200 рубли китоб ва журналлар сотиб олиш учун) миқдорида маблағ ажратилди[22]. Кейинчалик янги ташкил қилинган вилоятлар марказлари бўлган Тошовуз ва Хўжайлида ҳам кутубхоналар очилди. Бироқ кутубхоналар фондидаги китоблар кам бўлган. Масалан, ХХСРдаги энг йирик бўлган Хива шаҳридаги марказий кутубхона фонди атиги 3272 дона китобдан иборат бўлган[23].

Хивада хонлик ағдарилгандан кейин ўрнатилган янги ҳукумат томонидан турли клублар ташкил қилинишига алоҳида эътибор қаратилди. "Қизил клуб", "қизил чойхона", "қизил биржа", "қизил арава", "қизил карвон" деб номланган бундай "қизил клуб ва чойхоналар" энг аввало Хоразм аҳолиси онгига совет турмуш тарзини сингдириши, коммунистик ғояларни ва янги одатларни тиқиштириши керак эди. Бундай оммавий сиёсий-оқартув муассасалари асосан ташвиқот ва тарғибот ишлари билан шуғулландилар. 1924 йил февраль ойида педагогика техникуми ва совет-партия мактаби ҳузурида клублар ташкил қилиниб, улар фақат талабалар ва тингловчиларга эмас, балки Хива шаҳри аҳолисига ҳам хизмат кўрсатишган. Бу орада республиканинг Янги Урганч, Тошовуз, Хўжайли, Хива ва бошқа шаҳарларида 8 та янги клублар ва ўқув заллари очилди. Шунингдек, 4 та "қизил чойхона" ҳам ташкил қилинди[24].

ХХСРда кино ва фотография ишлари ҳам яхши йўлга қўйилди. Бу соҳада ўзбек фотосанъатининг асосчиси ва биринчи кинооператори Худойберган Девонов (1878 - 1938) қилган хизматлар беқиёс бўлиб, унинг фаолияти катта таҳсинга

сазовордир.Худойберган Девонов 1878 йилда Хива шаҳрида туғилди. У ёшлигидан фотографияга жуда қизиқди. Волга бўйи немисларидан Вильгельм Пеннер (уларнинг бир қисми XIX аср бошларида Хива хонлигига кўчиб келган эди) бу соҳада унинг устози бўлди. Тез орада у устози совға қилган фотоаппарат билан жўралари ҳамда тарихий Хива шаҳри обидалари ва майдонларини суратга тушира бошлади.

1907 йилда Х.Девонов Москва ва Петербургга қилган сафаридан янги граммофон, фотоаппарат, кинокамера ва бошқа ускуналар билан хонликка қайтди. У Хива шаҳрида Туркистон минтақасида биринчи бўлиб кинофотолаборатория ташкил қилди. Ўзи учун мутлақо янги соҳа бўлган кинооператорлик соҳасини эгаллаб, доврўғи бутун Хоразмга тарқалди. У Ёш хиваликлар партияси сафига кирди.Х.Девонов ХХСРда 1920 - 1922 йиллар мобайнида Маориф ва маданият ишлари нозири, олий муфаттиш (давлат назорати) нозири, молия нозири каби масъул лавозимларда ҳам фаолият кўрсатди. У ўзининг бутун фаолияти ва жўшқин ҳаётини Хоразм аҳолиси манфаатларига бағишлади. У томонидан суратга олинган "Хива бозори", "Қорақум саҳроси", "Кулол", "Ғилдирак", "Шўркўл", "Биринчи трактор" сингари қисқа киносюжетлар ўзбек ҳужжатли фильмларининг дастлабки намуналари сифатида тарих саҳифаларига муҳрланди. Ҳаётининг сўнгги йилларида Хивадаги мактаб қошида фототўғарак ташкил қилиб, ёшларга фотография санъатини ўргатди. Бироқ совет режими томонидан Худойберган Девонов 1937 йил 30 ноябрда Хоразмда "халқ душмани" сифатида айбланиб, қамоққа олинди ва 1938 йил 4 октябрда у Тошкент шаҳри атрофида отиб ташланди[25].

Худойберган Девонов суратга олган расмлар ва киносюжетлар бугунги кунда Тошкент, Самарқанд, Хивадан ташқари Москва, Париж, Берлин, Лондондаги турли кинофотофоноархивларда ва музейларда сақланмоқда.

Хивада матбаачилик ишларига хонлик даврида асос солинган эди. Минтақада дастлабки литография (тошбосма) Хива шаҳрида 1874 йил ташкил топган. Хоразмда матбаачилик соҳасига Иброҳим Султон ва унинг шогирди Отажон Абдалов асос солишган. Отажон Абдалов дастлабки ўзбек литографи ва матбаачиси ҳисобланади. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) хонлик ҳудудида тошбосма ташкил қилиниши ва китоблар чоп этилишига хайрихоҳлик билан қараган эди.

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, ХХСР ҳукумати 1920 - 1924 йиллар мобайнида соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар масаласи, маданий-оқартув соҳасида кўпгина ишларни амалга оширган. Хива, Янги Урганч, Тошовуз ва бошқа шаҳарларда касалхоналар очилган. Хоразм тарихида илк марта халқ музейи ва халқ театри ўз фаолиятини бошлаган. Хоразмда биринчи газета ва журналлар чиқаришга асос солинган. "Қизил клублар ва чойхоналар" асосан тарғибот ва ташвиқот мақсадида ташкил қилинса ҳам улар республика аҳолиси ўртасида саводсизликни тугатиш, маданий-оқартув ишларини олиб боришда муайян вазифаларни бажарган.

Иқтибослар/Сноски/References:

[1] Matkarimov M. Khorezm Republic: State structure, overseers and economics. - P. 19.

[2] IzvestiyaTurkTsIKa (Tashkent), 23 July 1920

[3] Uzbekistan NA, Fund R-40, list 1, case 137, page 368.

[4] History of Uzbek SSR. Four drops. Part III. - B.314.

- [5] See Minkevich I. Narodnoezdorove v Khorezme // "NarodnoyekozyaystvoSredneyAzii" (Tashkent). 1924. No. 4. - p. 172.
- [6] Muminova G. History of Health Care System in Uzbekistan (1917 - 1991). - B. 70.
- [7] IstoriaHorezma.From ancient times to the present day.Under Editorial Staff I.M. Muminova. - Tashkent: "Nauka,", 1976. - p. 180.
- [8] Uzbekistan MDA, Fund R-71, list 1, case 37, page 65 and its back.
- [9] IstoriyaKhorezmskoyNarodnoySovetskoy Republic. Documentation. - p. 71;
- [10] "IzvestiyaTurkTsika" (Tashkent). No. 152.July 10, 1920 d.
- [1 1] Masharipov O Khorezm. The fourth book. Khorezm People's Republic. - Urgench: Khorezm, 2010. - B.82.
- [1 2] IzvestiaTurkTsIKa (Tashkent). No. 126.June 11, 1921 d.
- [13] NA of Uzbekistan, Fund R-71, list 1, case 2, page 26.
- [14] Istoriya Khorezmskoy Narodnoy Sovetskoy Republic. Documentation. - p. 314-315.
- [15] Uzbekistan NA, Fund R-71, list 1, case 1, page 4.
- [16] Bilyalov G.M. Culture and prospect in Khorezmskoy Narodnoy Sovetskoye Republic. - p. 91.
- [17] NA of Uzbekistan, Fund R-17, list 1, case 579, pages 70-73.
- [18] Rakhmanov M. Khamza i Uzbek Theater. - Tashkent: GosizdatUzSSR, 1960. - pp. 205-206.
- [19] Jizn Nationalnosteye, 1923. No. 1.- p. 193.
- [20] IzvestiaTurkTsIKa (Tashkent). No. 48.3 times 1922 g.
- [21] Bilyalov G.M. Culture and prospectin Khorezmskoy Narodnoy Sovetskoye Republic. -p. 94.
- [22] NA of Uzbekistan, Fund R-17, list 1, case 579, page 73.
- [23] NA of Uzbekistan, Fund R-17, list 1, case 579, page 73.
- [24] NA of Uzbekistan, Fund R-34, Box 1, case 2734, page 59.
- [25] Bilyalov G.M. Culture and prospect in Khorezmskoy Narodnoy Sovetskoye Republic. - p. 96-97.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000